

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ  
СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

## Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



## IT-паркнинг фаолият юритиш тартиби такомиллаштирилди

Вазирлар Маҳкамасининг 30.10.2020 йилдаги 672-сон қарори билан «Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга (ВМнинг 15.07.2019 йилдаги 589-сон) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди, шунингдек Ҳукуматнинг айрим қарорлари ўз кучини йўқотди.

Ҳужжатда IT-парки Дирекциясига юкланган вазифаларни амалга ошириш доирасида малакали мутахассисларни, шу жумладан чет эллик мутахассисларни маслаҳатчи сифатида шартнома асосида тендер ўтказмасдан жалб қилишга, истисно тариқасида, рухсат берилади. Энди Дирекция штатлар жадвалини мустақил равишда ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш шартларини бажариладиган ишларнинг мураккаблик даражаси, сифати ва ҳажмига нисбатан табақалаштирилган тарзда белгилаши мумкин.

Қарор билан Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга (589-сон қарор билан тасдиқланган) ўзгартиришлар киритилди. Уларда Технопаркни ташкил этишни такомиллаштириш, юридик шахсларни резидент сифатида рўйхатдан ўтказиш, улар учун солиқларни ҳисоблаш, божхона таомиллари, солиқ имтиёзларидан фойдаланиш тартиби, шунингдек истиқболли стартап-лойиҳаларни танлаб олиш ва молиялаштириш тартиби белгиланди.

Технопарк резиденти сифатида рўйхатдан ўтган шахслар билан ишлаш тартибини такомиллаштириш буйича банд киритилди. ITни ривожлантириш соҳасида экстерриториаллик принципи асосида максимал даражада қулай шароитларни яратиш учун резидентлар республиканинг бутун ҳудудида жойлаштирилади.

Технопарк резидентларининг мақоми билан танишиш, Дирекция ва унинг резидентларининг ўзаро алоқада бўлиши учун юридик шахсларнинг ҳужжатлари, шу жумладан ҳисоботлар, хулосалар, бизнес-режалар ва бошқа ҳужжатлардан фойдаланиш учун Дирекциянинг расмий сайти очилади.

Эксперт кенгашининг низоми аниқлаштирилади: у Дирекция ҳузурида ташкил этилган орган бўлиб, резидент мақоми олиш учун ариза берган юридик шахслар ва резидентларнинг бизнес-режаларини таҳлил қилиш мақсадида вазирликлар ва идоралар, илмий муассасалар, олий таълим муассасалари малакали мутахассислари ва бошқа мутахассислардан ташкил топади. Эксперт кенгашининг фаолият юритиш тартиби Дирекция томонидан белгиланади.

Қарорда молиялаштириш манбалари белгиланган. Молиялаштириш куйидаги манбалар ҳисобига амалга оширилади:

Технопарк резидентларининг Дирекцияга ҳар ойлик жами даромадидан 1% миқдорида ўтказиладиган ажратмалари;

- хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар;
- Дирекцияга бириктирилган кўчмас мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар;
- халқаро молия ташкилотлари ва институтларининг грантлари ва кредитлари;
- стартап-лойиҳаларни венчур молиялаштириш натижасида олинган даромадлар;
- Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг таркибий бўлинмалари маблағлари;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Қабул қилинган ҳужжатда Технопарк Дирекциясининг резидентларни рўйхатга олиш ишини ташкил этишнинг такомиллаштирилган схемаси келтирилган. Аризаларни кўриб чиқиш ва турли таомиллар муддатлари қайта кўриб чиқилган ва анча қисқартирилган.



**Маълумот учун:** Технопаркни тизимли ташкил этиш ва ривожлантириш тарихи 2018 йилда, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан Ҳиндистон Республикаси электроника ва ахборот технологиялари вазирлиги ҳузуридаги Дастурий технологиялар парклари жамияти билан шартнома имзоланган пайтдан бошланган.

Сўнгра Вазирлар Маҳкамасининг 10.01.2019 йилдаги 17-сон қарори қабул қилинган, унда Технопаркни ташкил этиш ҳамда ахборот технологиялари соҳасида рақобатбардор маҳсулотлар ва хизматларни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни ички ва ташқи бозорларда илгари суриш, ушбу йўналишдаги инновацион ишланмаларни рағбатлантириш назарда тутилган.

Кейинги босқичда, 2019 йил июлда Вазирлар Маҳкамасининг «Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 589-сон қарори қабул қилинди. Унда юридик шахсларни резидент сифатида рўйхатдан ўтказиш, солиқлар ва божхона имтиёзларини қўлаш, стартап-лойиҳаларни ҳар томонлама, шу жумладан венчур молиялаштириш асосида қўллаб-қувватлаш тартиби белгиланган.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 31.10.2020 йилдан кучга кирди.

Мирёкуб Ҳайдаров.

## Миллий венчур фонди ташкил этилади

Вазирлар Маҳкамасининг 3.11.2020 йилдаги 684-сон қарори билан «UzVC» миллий венчур фонди фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари белгиланди.

«UzVC» миллий венчур фонди Президентнинг 24.11.2018 йилдаги «Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш буйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5583-сон Фармониға мувофиқ инновацион ғоялар ва стартап-экоизимни қўллаб-қувватлаш инфратузилмасини яратиш мақсадида ташкил этилади.

Ҳужжат билан куйидагилар белгиланди:

- Фонд МЧЖ шаклида ташкил этилади;

➢ бошланғич устав капитали 15 млрд сўм миқдорида 2020 йил Давлат бюджетидан Инновацион ривожланиш вазирлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан шакллантирилади;

➢ устав фондидаги 100% улуш Давлат активларини бошқариш агентлигига берилади.

Фонд юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий шахслар билан шерикликда венчур лойиҳаларни молиялаштиради.

Фондни бошқариш учун малакали ва халқаро таж-

рибага эга чет эл фуқаролари жалб этилади. Давлат активларини бошқариш агентлигига Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда 4 ой муддатда танлов асосида фонд учун давлат улушига эга бўлмаган хусусий бошқарув компаниясини танлаш топширилди.

Венчур лойиҳаларни молиялаштиришнинг шартларидан бири ажратилган ресурсларга тенг миқдорда хусусий сектор маблағларини жалб қилиш ҳисобланади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 4.11.2020 йилдан кучга кирди.

Лола Абдуазимова.

2-бетда

Ушбу сонда:

3-6-БЕТЛАР

Кимга қанча пенсия: саволлар, расмий тушунтиришлар, тавсиялар

7-БЕТ

Қариндошларингиз тўғрисидаги ахборот кимлар учун қизиқарли?

8-БЕТ

Ишдан бўшатиш ҳақида огоҳлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари



## Давлат иштирокидаги корхоналар очик-ошкора фаолият юритади

Вазирлар Маҳкамасининг 30.10.2020 йилдаги 674-сон қарори билан давлат иштирокидаги хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналари тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиш тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари белгиланди.

Хужжат давлат иштирокидаги хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналари фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, мулкдор (муассис, акциядор, иштирокчи) функцияларини амалга оширувчи вазирликлар ва идораларнинг масъулиятини янада ошириш мақсадида қабул қилинган.

Қарор билан Давлат активларини бошқариш агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг тақлифлари маъқулланди. Ушбу тақлифлар куйидагилардан иборат:

➢ вазирликлар ва идораларнинг расмий веб-сайтларида мулкдор (муассис, акциядор, иштирокчи) функциялари амалга оширилаётган давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортқ бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналарининг (кейинги ўринларда – давлат иштирокидаги корхоналар) куйидагилар тўғрисидаги маълумотларини жойлаштириш: устав фонди (устав капитали), давлат улуши, ҳар чорак ва


йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, иш ўринлари сони, корхоналар бошқарув ва назорат органлари таркиби тўғрисидаги маълумотлар (чекланган ҳолда тарқатиладиган ва тижорат сири мавжуд бўлган маълумотлар бундан мустасно);

➢ 2021 йил 1 январдан бошлаб давлат иштирокидаги корхоналарнинг расмий веб-сайти бўлиши, унда иқтисодий, молиявий ва бошқа статистик маълумотларнинг, шу жумладан ҳар чоракда йиллик бизнес-режанинг (лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослари бажарилиши ва мақсадларга эришиш инobatга олинган ҳолда) бажарилиши ва ривожланиш стратегияларида назарда тутилган дастурларнинг натижалари тўғрисидаги ҳисоботни жойлаштириш.

Агентликка куйидаги вазифалар топширилди:

➢ «Давлат мулки» ахборот тизимига давлат иштирокидаги корхоналар тўғрисидаги маълумотлар ва хужжатларни ЭРИ билан тасдиқлаш орқали тақдим этиш тартибини жорий этиш;

➢ Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Давлат иштирокидаги корхоналарнинг расмий веб-сайтларига куйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш;



➢ 2021 йил 1 январга қадар халқаро молия институтлари ва чет эл экспертларини жалб қилган ҳолда давлат иштирокидаги корхоналарнинг фаолияти натижалари тўғрисидаги йўғма ҳисобот шаклини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

Қарорда келтирилган схемага мувофиқ давлат иштирокидаги хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналари фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ошкор этилади.

**Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 31.10.2020 йилдан кучга кирди.**

## «Электрон ҳукумат»нинг идентификациялаш тизими модернизация қилинади


Вазирлар Маҳкамасининг 30.10.2020 йилдаги 679-сон қарори билан аҳолига тақдим этилаётган электрон давлат хизматларини кўрсатишда шахсни тасдиқлаш тизimini янада ривожлантириш чора-тадбирлари белгиланди.

Хужжат Президентнинг «Доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (22.04.2020 йилдаги ПФ-5984-сон) ва «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (28.04.2020 йилдаги ПҚ-4699-сон) мувофиқ қабул қилинган.

Қарор билан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказининг «Электрон ҳукумат» тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизimini 2020-2021 йилларда, шу жумладан, ДХШ асосида босқичма-босқич модернизация қилиш тўғрисидаги тақлифлари маъқулланди. Бунда тизимда куйидаги қўшимча имкониятлар яратилиши назарда тутилди:

➢ жисмоний ва юридик шахсларни ЭРИ, мобил телефон рақамлари ҳамда бошқа маълумотлар асосида рўйхатга олиш, идентификациялаш, аутентификациялаш ва авторизациялаш;

➢ давлат органлари, банклар, молия ҳамда бошқа субъектлар томонидан электрон хизматлар кўрсатиш жараёнида жисмоний ва юридик шахсларни масофавий идентификациялаш (аутентификациялаш).



Хужжат билан куйидагилар тасдиқланди:

➢ «Электрон ҳукумат» тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими архитектураси;

➢ «Электрон ҳукумат» тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизimini модернизация қилиш бўйича чора-тадбирлар режаси;

➢ Идоралараро электрон ҳамкорлик орқали идентификация тизимига тақдим этиладиган маълумотлар рўйхати.

Хужжатда куйидагилар белгиланган:

Баҳодир Бухорий.

УШБУ СОНДА

### • ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги хужжатларни тақдим этамиз  
1-2-бетлар

### • ПЕНСИЯ ИШИ

– Муддатидан олдин  
– Ҳаммаси стажга боғлиқ  
– Ишда – иш ҳақи, уйда – пенсия  
– Танлаш ҳуқуқига эгасиз

– Кредитга умид қилса бўладими?  
– Архив маълумотлари тақдим этилмаган ҳолда  
– Учувчи ўқишга юборилганда  
– Элчихонадан ишончнома олиш керак  
– Хоҳишингизга кўра  
– Исталган вақтда  
– Қоида ҳамма учун бир хил

– Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун таълим  
– Ортиқча тўловни қайтариш  
– Битта умумий пенсия, ёки боқувчисини йўқотганлик пенсияси тўғрисида  
– Пенсиядан қандай воз кечиш мумкин?

3-6-бетлар

### • МЕНДА ФИКР БОР

– Қандай маълумотлар ЯММТга киритилади

7-бет

### • КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Ходимни ишдан бўшатиш ҳақида қандай тўғри огоҳлантириш мумкин

7-8-бетлар



# ПЕНСИЯ ИШИ



Махсус мавзувий сон\*

Учувчиларнинг олий ўқув юртида ўқиган даври кўп йиллик хизмат муддатига киритиладими, пенсионерга ҳоржда ишончнома қаерда расмийлаштирилади, Ўзбекистон фуқароси бўлмаган бўлғуси пенсионер пенсияни расмийлаштириши учун қандай ҳужжатлар зарур бўлади? «Норма» МЧЖ экспертлари бу ва бошқа саволларга нашрнинг мазкур сонида жавоб берадилар.

Бизга ёзган экансиз

## Муддатидан олдин

**?** *Кимлар ёшидан қатъи назар имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгалар?*

– Ёшидан қатъи назар, имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасида белгиланган. Талаб қилинадиган умумий ва махсус иш стажы бўлганда ёшидан қатъи назар, пенсияга чиқиш ҳуқуқини бөрвучи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар ва лавозимларнинг 1-рўйхатида (ВМнинг 12.05.1994 йилдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган) назарда тутилган мутахассисликлар буйича ишлаган алоҳида тоифадаги фуқаролар муддатидан олдин пенсияга чиқишлари мумкин.

Улар жумласига қуйидагилар кирилади:

а) кон саноатидаги ётакчи касб эгалари бўлган ходимлар – башарти,

улар ана шу ишларда камида 20 йил ишлаган бўлсалар (1-сонли рўйхатнинг I қисми);

б) бевосита ерости ва очик кон ишларида (шу жумладан, кон-қутқарув қисмларининг шахсий таркиби) кўмир, маъданлар ва бошқа фойдали қазилмаларни қазиб олишда, шахталар ва конлар курилишида тўлиқ иш кунни давомида банд бўлган ходимлар – башарти, улар ана шу ишларда камида 25 йил ишлаган бўлсалар (1-сонли рўйхатнинг II қисми);

в) учувчилар ва учувчи-синовчилар таркибига кирувчи ходимлар, улар хизмат қилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг идоравий бўйсунувидан қатъи назар, белгиланган хизмат

БУГУНГИ СОНДА:

**ҲАММАСИ СТАЖГА  
БОҒЛИҚ**

Пенсия миқдори энг кам пенсиядан кам бўлганда

2

**ТАНЛАШ  
ҲУҚУҚИГА ЭГАСИЗ**

Турли маълумотномалар ҳақида

4

ИСТАЛГАН ВАҚТДА

Пенсияга чиқишга ишшилмаса ҳам бўлади

5

**ОРТИҚЧА ТЎЛОВ  
ҚАЙТАРИЛАДИ**

Телефон орқали савол

7

### Маълумот учун!

Ишлайдиган пенсионер ишдан бўшатилганлиги муносабати билан иш жойидан тўланадиган пенсиясини **ТЎЛИҚ ОЛМАГАНДА**, ушбу сумма Пенсия жамғармаси бўлими томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда **ТЎЛАНАДИ**.

Мавзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

муддатини ана шу лавозимларда эркаклар камида 25 йил ва аёллар камида 20 йил адо этганлари тақдирда (1-сонли рўйхатнинг III қисми).

Юқорида қайд этиб ўтилган ходимлар саломатлигига (касаллигига) кўра учини ишларидан бўшатиш тақдирда, белгиланган хизмат муддатини – эркаклар камида 20 йил ва аёллар камида 15 йил адо этган бўлсалар;

г) театрлар ва бошқа театр-томоша корхоналари артистларининг айрим тоифалари:

ижодий иш стажини камида 20 йил бўлганда (1-сонли рўйхатнинг IV қисми);

> ижодий иш стажини камида 25 йил бўлганда (1-сонли рўйхатнинг V қисми);

> ижодий иш стажини камида 30 йил бўлганда (1-сонли рўйхатнинг VI қисми);

д) спортчиларнинг айрим тоифалари – иш стажини камида 20 йил бўлганда (1-сонли рўйхатнинг VII қисми).



## Ҳаммаси стажга боғлиқ



**Пенсия жамғармаси ёшга доир пенсияни энг кам пенсиядан кам миқдорда тайинлаши мумкинми?**

– Ҳа, мумкин. Пенсия стаж тўлмаганда ёшга доир энг кам пенсиядан кам миқдорда тайинланиши мумкин.

Тўлиқ бўлмаган иш стажини – бу Қонуннинг 37-моддасида назарда тутилган даврлардан жамланган, пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган стаждан, яъни эркаклар учун 25 йил ва аёллар учун 20 йилдан кам бўлган умумий иш стажини (Қонуннинг 7-м.).

Энди стажнинг пенсия миқдорига қандай таъсири борлигини кўриб чиқамиз. Иш стажини тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсиялар бор стажга мутаносиб миқдорда тайинланади

ва қуйидаги тарзда ҳисобланади – аввал тегишли тўлиқ пенсия белгиланади, ушбу пенсия талаб этиладиган иш стажининг ойлари сонига бўлинади ва ҳосил бўлган сума ҳақиқий иш стажини ойлари сонига кўпайтирилади (Қонуннинг 8, 18, 22, 29-моддалари).

**1-МИСОЛ.** 25 йил иш стажига эга бўлган эркакларнинг иш стажини 513 350 сўмни ташкил қилади, яъни ёшга доир энг кам пенсияга мувофиқдир. Иш стажини, масалан, эркакларда 20 йил бўлганда, пенсия миқдорини мутаносиб равишда камайтирилади ва 410 680 сўмни ((513 350 / (25 × 12)) × (20 × 12)) ташкил этади.

Бунда қонун ҳужжатларида иш стажини етарлича бўлмаганда пенсия миқдорини камайтиришга чеклов белгиланган, уга мувофиқ бундай пенсия ёшга доир энг кам пенсиянинг 50%идан, яъни 256 675 сўмдан кам бўлмаслиги керак.

**2-МИСОЛ.** Иш стажини 7 йил бўлганда, пенсия миқдорини 143 738 сўмни ((513 350 / (25 × 12)) × (7 × 12)) ташкил этади.

Бундай ҳолатларда эркакларга 256 675 сўм, ёки ёшга доир энг кам пенсиянинг 50%и миқдорини пенсия тайинланади.



### Маълумот учун!

Пенсионер Ўзбекистонда ташқарига, ижтимоий (пенсия) таъминоти тўғрисидаги халқаро шартномалар ТУЗИЛМАГАН давлатга доимий яшаш учун кетадиган бўлса, Пенсияга оид ҳужжатлар **БЕРИЛМАЙДИ** ва Пенсия жамғармаси бўлимининг архивида **САҚЛанади**.

Мавзунинг сонни Алла Ромашко олиб боради.



## Ишда – иш ҳақи, уйда – пенсия

**?** *Ҳозирги пайтда ишлайдиган пенсионерга қаярда пенсия тўланади – иш жойидами ёки яшаш жойидами?*

– Пандемия туфайли 2020 йил 1 майдан бошлаб ишлайдиган пенсионерларга пенсия бевосита бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан тўланмоқда (Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан пенсия олади-

ганлар бундан мустасно) (27.04.2020 йилдаги ПФ-5986-сон Фармоннинг 4-банди). Ҳозирги пайтда ишлайдиган пенсионерларга пенсия яшаш жойи бўйича Халқ банкининг туман (шаҳар) бўлимларида тўланади.

## Танлаш ҳуқуқига эгасиз

**?** *Кўшим ёшга доир нафақа олади. Яқинда ошланинг ягона ишловчи ҳисобланган унинг турмуш ўртоғи вафот этди.*

*Кўшим боқувчисини йўқотганлик бўйича тўловларни олишга ҳақлими?*

– Олишга ҳақли, бироқ ёшга доир нафақа ёки боқувчисини йўқотганлик пенсиясидан бирини танлаш шарт бўлади. Қонунга мувофиқ нафақа олувчига давлат пенсияси турларидан бирини тайинлашда нафақа тўлаш тўхтатилади, тайинланган пенсия эса охири марта нафақа тўланган ойдан кейинги ойнинг 1-санасидан бошлаб тўланади (Низомнинг 34-банди, ВМнинг 7.04.2011 йилдаги 107-сон қарорига 2-илова).

Кўшнингиз қайси бир тўлов миқдори кўпроқ бўлса шуни танлаш мумкин бўлади: ёки боқувчисини йўқотганлик пенсиясини, ёхуд ёшга доир нафақани.



## Кредитга умид қилса бўладими?

**?** *Қишлоқда яшайдиган кекса ёшдагилар уй-жой қуриш учун қарзни расмийлаштира олмайдилар деб эшитдим. Шундайми?*

– Ҳа, шундай. Қишлоқ жойда уй-жой қуриш учун ипотека кредити фақат кредит беришни сўраб мурожаат қилинган кунда 18 ёшга тўлган ва 60 ёшга тўлмаган Ўз-

бекистон Республикаси фуқароларига берилади (ВМнинг 25.05.2009 йилдаги 148-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 3, 10-бандлари).

## Архив маълумотлари тақдим этилмаган ҳолда

**?** *Иш ҳақи тўғрисидаги архив маълумотлари йўқолган тақдирда, ушбу маълумотни жамғариб бориладиган пенсия тизимига киритилган бадаллар тўғрисидаги маълумотлар ёрдамида белгиласа бўладими?*

– Ҳа, бироқ жамғариб бориладиган пенсия тизимига мажбурий бадаллар тўғрисидаги маълумотлардангина олиш мумкин.

Архив маълумотларини тақдим этилмаган ҳолда пен-

сияни ҳисоблаш учун 2005-2016 йиллардаги жамғариб бориладиган пенсия тизимига мажбурий бадаллар тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилади (2.03.2020 йилдаги ПФ-5953-сон Фармоннинг 20-банди).

Маевуевий сонни Апла Ромашко олиб боради.



## Учувчи ўқишга юборилганда

**?** *Учувчилар таркибидаги ходимлар учун таълим даври кўп йиллик хизмат муддатига киритиладими?*

– Ҳа, ҳисобга олинади, бироқ шартлар мавжуд. Учувчилар таркибидаги ходимлар учун – авиация олий ўқув юртларидаги ўқиш вақти (ҳақиқий ўқиш вақти бўйича), агар ўқишга киришдан олдин учиб лавозимларида ишлаган

бўлса, учувчилар ва синовчи-учувчиларнинг белгиланган хизмат муддатига қиради (*Тартибнинг 7-банди, ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарори билан тасдиқланган Низомга 4-шлова*).

## Элчихонадан ишончнома олиш керак

**?** *Отам Италиядан кета олмайди. Унинг пенсиясини ишончнома бўйича олардик, унинг амал қилиш муддати тугаб қолди. Мазкур ҳолатда янги ишончномани расмийлаштириш мумкинми?*

– Мазкур ҳолатда пенсионер хорижий давлатда бўлган ва соғлиги туфайли Ўзбекистон Республикасига келиш имкониятига эга бўлмаган ҳолатларда пенсионер Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасасига



пенсия тўловини тиклаш юзасидан мурожаат этиши мумкин ва хорижий давлат ҳудудида доимий яшаш ҳолати мавжуд эмаслигини, шунингдек, пенсия ёки ижтимоий нафақа олмалигини тасдиқлаши лозим (*252-сон Низомнинг 172-банди 11-хатбошиси*).

## Хоҳишингизга кўра

**?** *Пенсия бўлимига пенсияни расмийлаштириш учун иш стажига киритиш мақсадида ўриндошликда ишлаганлигим ҳақидаги маълумотномани ва пенсияни ҳисоблаш учун иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномани тақдим этишим мумкинми?*

– Ҳа, албатта. Бироқ бу ҳолат пенсия миқдорига ҳар гал таъсир кўрсатиши мумкинлигини англашмайди.

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақи, шунингдек иш ҳақининг натурал қисмига:

➢ 2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта бадаллари ҳисобланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги барча даромадлар;

➢ 2019 йил 1 январдан кейинги давр учун – қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги барча даромадлар қўшилади. Мазкур иш ҳақи асосий ва ўриндошликдаги иш жойи бўйича бўлиши

мумкин («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 32-м.).

Бироқ шуни эътиборга олиш лозимки, пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун ПХБМнинг 10 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдордаги ўртача ойлик иш ҳақи олинади (*Қонуннинг 31-м. 6-қ.*).

Масалан, асосий иш жойида ҳисобланган ўртача иш ҳақи ПХБМнинг 10 бараваридан ошган ҳолатларда, тақдим этилган ўриндошлик бўйича иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар пенсия миқдорининг ошишига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Бироқ ушбу маълумотлар келгусида, пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган

### Маълумот учун!

Пенсионер ТМЭКнинг асоссиз қарори ҳолатлари **АНИҚЛАНГАНДА**, ногиронлики белгиланишнинг тўғрилигини **ТЕКШИРИШЛАРДА**, шунингдек агар ТМЭК **ҚАРОРИ** сохта ҳужжатлар асосида чиқарилган бўлса пенсионер белгиланган тартибда ўтказиладиган такрорий тиббий кўриқдан ўтказиш учун **КЕЛМАГАН ТАҚДИРДА** пенсияни **Тўлаш** тўхтатиб қўйилади ва у фақат фуқаро ТМЭКга янгидан **МУРОЖААТ ҚИЛГАН** ва I ёки II гуруҳ ногирони деб эътироф этилган кундан бошлаб тикланиши мумкин.

Мазувий сонни Алла Ромашко олиб боради.



ўртача иш ҳақи миқдорига чекловлар оширилганда асқотиши мумкин.

Бироқ ўриндошлик бўйича ишлаш иш стажининг кўпайишига олиб келмайди. Даврлар бир вақтнинг ўзида бир даврга тўғри келса, у ҳолда пенсияни ҳисоблаб чиқиш учун иш стажига пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган шахснинг хоҳишига кўра фақат бир давр кўшиб ҳисобланади (252-сон Низомнинг 36-банди).

**Маълумот учун.** Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган ўртача иш ҳақиға чеклов икки марта (2007 ва 2018 йилда) оширилиш томонга кўриб чиқилган, бу пенсия миқдорини, шу жумладан ўриндошлик бўйича иш ҳақи тўғрисида қўшимча маълумотларни тақдим этган шахсларнинг пенсияси миқдорининг анча ошишига хизмат қилди.

## Исталган вақтда

**?** *Шу йилнинг охирида ёшга доир пенсияга чиқаман. 6 йил ишлаган фирмамда архив ҳужжатлари йўқолганлиги тўғрисида иш стажим етарли бўлмаяпти. Пенсия тайинлиниши учун мурожаат қилмасдан, ишлашда давом этиб кейинроқ пенсияга чиқсам бўладими?*

– Фуқаролар пенсия тайинлиниши учун унга бўлган ҳуқуқ юзага келгандан кейин исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин (Қонуннинг 3-м.).

Шуни инобатга олиш лозимки, ёшга доир пенсия, агар пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб 60 кун ичида уни сўраб мурожаат этилган бўлса, пенсия ёшига тўлган кундан эътиборан тайинланади.

Ушбу муддат ўтказиб юборилган ҳолларда пенсия мурожаат этилган кундан эътиборан тайинланади (Қонуннинг 47-м. 1-қ. «а» б., 2-қ.).

**МИСОЛ.** Эркал 2020 йил 1 мартда 60 ёшга тўлди. Бўлғуси пенсионер 2020 йил 15 апрелда, яъни пенсия ёшига тўлгандан кейинги 46-кунги пенсия тайинлашни сўраб мурожаат қилди. Мазкур ҳолатда пенсия 2020 йил 1 мартдан бошлаб тайинланади. У 2020 йил 15 майда мурожаат қилди, яъни пенсия ёшига тўлгандан кейинги 60 кунлик муддатни ўтказиб юборган, бунда пенсия 2020 йил 15 майдан тайинланади.

## Қоида ҳамма учун бир хил

**?** *Яшаш гувоҳномасига эга бўлган бошқа давлат фуқароси пенсияни расмийлаштириш учун қандай ҳужжатларни тақдим этиши лозим?*

– Пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган чет эллик шахслар Ўзбекистон фуқаролари қандай ҳужжатларни топширсалар, айнан шундай ҳужжатларни тақдим этадилар. Хусусан:

➢ иш стажини, шу жумладан махсус иш стажини тасдиқлайдиган ҳужжат;

➢ иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома.

Бундан ташқари, зарурат бўлган тақдирда, 252-сон Низомнинг 12-банди «а»–«р» кичик бандларида кўрсатилган махсус маълумотномалар тақдим этилади.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга чет элдаги иш стажига, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасидаги ишга тўғри келадиган стажнинг 1/3 дан ортиқ бўлмаган доирада киритилади (252-сон Низомнинг 49-банди).

**МИСОЛ.** Чет эл фуқаросининг умумий иш стажини 40 йилни ташкил этади, шундан 21 йили Ўзбекистон Республикаси ҳудудига, 19 йили эса хорижий давлат ҳудудига тўғри келади. Ушбу ҳолатда чет эл фуқаросининг хорижий давлатдаги иш стажини пенсияни ҳисоблаш учун 7 йил (21 йил/3) доирасида қабул қилинади ва умумий иш стажини 28 йилни (21 + 7) ташкил этади.



Зафаржон Ҳўжаев, «Норма» МЧЖ эксперти.

Маърузий сонни Алла Ромашко олиб боради.



## Қонунчиликдаги янгиликлар

# Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун таълим

Президентнинг 13.10.2020 йилдаги ПҚ-4860-сон қарориди алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари назарда тутилган.

Хужжат билан куйидагилар тасдиқланди:

➤ 2020–2025 йилларга халқ таълими тизимида инклюзив таълимни ривожлантириш концепцияси ва 2020–2021 йилларда уни амалга ошириш бўйича «йўл харитаси»;

➤ алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар таълимини 2025 йилгача ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари).

Концепция 2 босқичда амалга оширилади.

**I босқич** (2020–2022 йиллар) норматив базани такомиллаштириш; малакали педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш; моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва муассасаларни махсус мосламалар (кўтариш қурилмаси, пандус, тутқич ва бошқалар), зарур адабиётлар, методик қўлланмалар, турли касбларга ўқитиш учун ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш; замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновация лойиҳаларни жорий этишдан иборат. Шунингдек аҳоли ўртасида ижобий ижтимоий муҳитни шакллантириш; алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни камситиш, уларга салбий муомалада бўлишнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади.

Инклюзив таълим тизими тажриба-синов тариқасида алоҳида таълим муассасаларининг фаолиятига жорий қилинади.

**II босқичда** (2023–2025 йиллар) инклюзив таълим тизимини босқичма-босқич бошқа умумий ўрта таълим муассасаларида жорий қилиш; алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган ҳар бир боланинг инклюзив таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади; ўқитиш усулларини такомиллаштириш ҳамда таълим жараёнига индивидуаллаштириш тамойиллари босқичма-босқич жорий этилади. Ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашга, уларнинг жисмонан соғлом ва бақувват шаклланишига қаратилган чоралар кўриш; ўқувчиларнинг жисмоний ва ақлий эҳтиёжидан ҳамда таълим муассасаларининг географик жойлашувидан келиб чиқиб алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари (мактаб ва мактаб-интернатлар) сони оптималлаштирилади.

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб:

➤ ихтисослаштирилган таълим муассасаларида мажбурий умумий ўрта таълимни 11 йиллик (интеллектуал ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун (ёрдамчи)



мактаблар, мактаб-интернатларда 9 йиллик) муддатда амалга оширилади;

➤ ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг 10–11-синф (интеллектуал ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун (ёрдамчи) мактаблар, мактаб-интернатларда 8–9-синф) ўқувчиларини касб-хунарга ўргатиш мақсадида ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг қисқартирилаётган ўқув соатлари доирасида касб ўқитиш курслари ташкил этилади.

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб бошланғич таянч коррекцион синфларда алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим бериш мослаштирилган (адаптив) ўқув дастурлари асосида амалга оширилади. Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга индивидуал таълим дастурларини ўзлаштиришда махсус педагоглар ва тьюторлар (ёрдамчи педагог ходимлар) яқиндан кўмаклашади.

Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика таъхис маркази қошида «Инклюзив таълим лабораторияси» ташкил этилади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг раҳбар ходимларига меҳнатнинг алоҳида шaroитлари учун ҳар ойда базавий тариф ставкаси миқдориди устама ҳақи тўланиши назарда тутилган.

Хужжат Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базасида (*lex.uz*) эълон қилинган ва 14.10.2020 йилдан кучга кирди.

Эльмира Сиразиева.



## Телефон орқали савол

## Ортиқча тўловни қайтариш

**?** Пенсиядан ушлаб қолиниши учун қандай сабаблар асос бўлиши мумкин?

– Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан чегирмалар:

➢ суднинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари ва ҳукмлари (мулкий ундиришлар борасида), нотариал идораларнинг ижро варақалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ижроси суд ҳал қилув қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга оширилаётган бошқа ҳал қилув қарорлари ва қарорлар асосида;

➢ Пенсия жамғармаси бўлимининг қарорига биноан, пенсионер ёки нафақа олувчига унинг томонидан қилинган суиистеъмолликлар оқибатида (қасддан нотўғри ҳужжатларни тақдим этиш, боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланган оила аъзолари таркибидagi ўзгаришлар ҳақида маълумотлар тақдим этмаслик натижасида) ёхуд ҳисоблашдаги ёки бошқа техник хато оқибатида пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар миқдоридан ортиқча пуллар тўланган тақдирда қилиниши мумкин (АВ томонидан 26.10.2016 йилда 2835-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 1-банди).

**Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан бошқа ҳеч қандай чегирмалар қилиш мумкин эмас (Йўриқноманинг 2-банди).**

Асослар бўйича чегирмалар тўланиши лозим бўлган пулнинг 50%идан ортиқ бўлмаган миқдорда амалга оширилади. Бунда қарздор (пенсионер ёки нафақа олувчи) ёзма аризасига мувофиқ чегирмалар миқдорини ошириши мумкин. Чегирмалар миқдори фоиз кўринишидаги миқдор ёки қатъий суммада кўрсатилади. Қарздор янги ёзма ариза тақдим этиш орқали қарздорлиқни қоплашга йўналтирилаётган суммалар миқдорини ўзгартириши мумкин (Йўриқноманинг 3-банди).

Пенсия жамғармаси бўлими пенсия тайинлаш комиссиянинг қарори асосида чегирмалар қуйидаги миқдорларда амалга оширилади:

➢ ҳисоблашдаги ёки бошқа техник хато оқибатида – 10%;  
 ➢ қасддан нотўғри ҳужжатларни тақдим этиш, боқувчисини йўқотганлик пенсияси ёки нафақаси тайинланган оила аъзолари таркибидagi ўзгаришлар ҳақида маълумотлар тақдим этмаслик натижасида – 30%;

➢ пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг 2 баробаридан кам миқдорда пенсия ёки нафақа олувчи шахслар бўйича – 5%.

Чегирма миқдори суд қарори билан белгиланган ҳолатларда, чегирма суд қароридида белгиланган тартибда амалга оширилади (Йўриқноманинг 12-банди).

Пенсионер Пенсия жамғармаси бўлимининг ортиқча тўланган пенсия суммасини ушлаб қолиш тўғрисидаги қароридан норози бўлган тақдирда, аниқланган қарздорлик у аниқланган санадан бошлаб кўпи билан 3 йил учун суд орқали ундирилади. Судга даъво аризаси киритилганда чегирма қилиш тўғрисидаги комиссия қарори тўхтатиб турилади (Йўриқноманинг 13-банди).

Таъкидлаш жоизки, суиистеъмоллик деганда пенсионер ёки нафақа олувчининг пенсия ва нафақалар суммаларини ортиқча олишга қаратилган ҳаракатлари тушунилади.

**Ҳисоблашдаги хато** деб пенсия ва нафақаларни ҳисоблашдаги арифметик ҳаракатлар (қўшиш, айриш, бўлиш, кўпайтириш) билан боғлиқ хато, дастурий таъминотга маълумотларни киритишдаги механик хато, шунингдек, дастурий таъминот ишидаги бузилиш оқибатидаги хато тушунилади.

**Техник хато** деб дастурий таъминотга маълумотларни нотўғри киритиш билан боғлиқ хато эътироф этилади. Бундай хато деб, шунингдек пенсия таъминотида оид имтиёзларни қўллашда нотўғри шарҳлаш (услубий китоб, қўлланма ва кўрсатма хатлар фойдаланган ҳолда), пенсия ҳисоблаш учун қўлланиладиган иш ҳақини қайта ҳисоблашда коэффициентларни нотўғри танлаш, пенсия ва нафақаларни ҳисоблаш учун бошланғич маълумотларни нотўғри кўрсатиш, пенсия ва нафақаларни икки мартаба ўтказиб юбориш, бир давр учун бир нечта асосларга кўра тўлашни амалга ошириш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳисоб-китоб қоидаларига риоя этмаслик ҳам тушунилади (Йўриқноманинг 11-банди).

Зафаржон Хўжаев, «Норма» МЧЖ эксперти.

## Буни билган яхши

## Битта умумий пенсия, ёки боқувчисини йўқотганлик пенсияси тўғрисида

Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлган оила аъзоларининг барчасига битта умумий пенсия тайинланади. Оила аъзосининг талабига кўра унинг пенсиядаги улуши ажратилади ва унга алоҳида тўланади.

Маэзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.



Бошқа туманда (шаҳарда) яшайдиган оила аъзоси ўзига пенсия улушини тайинлаш ёки ажратиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилганда мурожаат қилгангача яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлими ушбу оиланинг амалдаги пенсия ҳужжатлари йўғмажилди турган Пенсия жамғармаси бўлимига тегишли хабарномани юборади. Хабарномага ариза ва янгидан мурожаат қилган оила аъзосининг пенсия олиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатлар илова қилинади. Ушбу ҳолатда пенсия боқувчисини йўқотганлик пенсиясидан улуш ажратиб бериш тўғрисида мурожаат қилинган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб тайинланади.

Оиланинг алоҳида яшайдиган аъзосининг пенсияга бўлган ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатлар оиланинг бошқа аъзоларига пенсия тайинлаш тўғрисида қарор чиқарилганидан кейин тушса, у ҳолда алоҳида яшайдиган оила аъзосига пенсия улуши ажратилган ҳолда оиланинг барча аъзоларига пенсия тайинлаш тўғрисида янгидан қарор қабул қилинади.

### Хорижда қандай

## Пенсиядан қандай воз кечиш мумкин?

Россия Пенсия жамғармасига тегишли аризани топшириб, пенсиядан воз кечиш мумкин. Бунда воз кечувчи ёки пенсия олишни бир неча йил кейинга суриши, ёхуд хайрия мақсадларидан келиб чиққан ҳолда бошқа шахс, жамғарма ёки муассасанинг фойдасига пенсиядан тўлиқ воз кечиши мумкин.

Бундай воз кечувчилардан бири журналист ва жамоат арбоби Николай Сванидзэ бўлди. «Фолл меҳнат қиламан ва даромадим яхши. Пенсия олишга талабгор эмасман ва пенсия олмаيمان», – дейди Сванидзэ. Бироқ у пенсиядан расман воз кечгани ёки ҳозирча уни расмийлаштирмагани – бу ҳақда ҳеч нарса демаган.

Таъкидлаш жоизки, қонун ҳужжатларида пенсия тўловини кейинроққа кўчириш тўғрисидаги аризани тақдим этиш орқали пенсиядан воз кечиш назарда тутилади. «Мазкур ҳолатда пенсия фуқаронинг пенсия ҳисобварағида жамғарилиб борилади. Сўнгра уни олишда тўловлар миқдори пенсионер кейинга кўчирган муддатга қараб ошириб борилади», – дейди РФ Федерация кенгаши аъзоси, Россия пенсионерлар Иттифоқи президиумининг раиси Валерий Рязанский.

«Бироқ хайрия мақсадларида пенсиянгиздан воз чадаган бўлсангиз, РПЖга тегишли аризани ёзишингиз лозим. Хатда тўловларни бирор-бир болалар уйига, хайрия жамғармасига ёки хусусий шахсга ўтказмоқчи эканлигингизни кўрсатишингиз керак. Акс ҳолда сизга тегишли тўловлар умумий «қозонда» аралашиб алоҳида кўринмай қолади», – деб таъкидлади сенатор.

Вафот этганнинг болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ёки неваралари парвариши билан улар 2 ёшга тўлгунгача банд бўлган оила аъзоларидан бири пенсия турларидан биттасини олувчи бўлса, у ҳолда унинг хоҳиши бўйича фақат пенсиянинг битта тури тайинланади.

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси (шу жумладан боқувчисининг вафотидан кейин туғилган болага) ушбу пенсияга ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб, пенсия тайинлаш учун биринчи марта мурожаат қилинганда, боқувчи вафот этган кундан бошлаб 6 ойдан кечикмай тайинланади. Қолган ҳолатларда пенсия мурожаат қилинган кундан бошлаб тайинланади.

Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқини аниқлашда вафот этган боқувчи оиласининг нопронлиқнинг III гуруҳига эга бўлган аъзолари вафот этган боқувчи оиласининг меҳнатта лаёқатсиз аъзолари жумласига киритилмайди.

Пенсия ишини расмийлаштиришнинг барча ҳолларида оила ҳар бир аъзосининг пенсияга бўлган ҳуқуқини тасдиқлайдиган барча ҳужжатлар йўғмажилдга тикиб қўйилади.

Сўхбатдошимиз амалиётда давлат пенсиясидан воз кечиш ҳолати ҳали учрамаган деб кўшимча қилди. Пенсия тўловини кейинроққа қолдирганларнинг сони ҳам унча кўп эмас. «Бироқ пенсия тўловини 5 йил кейинга сўриладиган бўлса, бу унинг миқдорини тахминан 1,5 бараварга ошириши мумкин», – дейди Рязанский.

«Бундан ташқари, мулкнинг ҳисобланган жамғарилган пенсиядан фарқли равишда сугурталанган пенсияни бир йўла олиб бўлмайди, сабаби у умрбод ҳар ой учун берилиши мўлжалланган. Бу давлатнинг ижтимоий кафолати ҳисобланади, бироқ шахс пенсияни кейинроққа кўчириши эмас, балки айнан сугурталанган пенсиядан воз кечишни юридик тарзда расмийлаштирган бўлса, унинг ортага қайтишининг илҳози бўлмайди ва бу қарорини ўзгартира олмайди», – деб маълум қилади сенатор.


Шунга қарамай, РФ фуқароларининг пенсияга бўлган ҳуқуқлари бутун умрга сақланиб қолади. «Сугурта пенсиясидан тўлиқ воз кечилганда ҳам давлат шахсни маблағсиз қолдирмайди ва 5 йилдан кейин унга энг кам ижтимоий пенсияни тўлайди», – деб изоҳлайди Рязанский.

Манба: «Взгляд» газетаси.

Маевуей сонни Алла Ромашко олиб боради.







## Қандай маълумотлар ЯММТга киритилади

Ёки қариндошларингиз тўғрисидаги ахборот кимлар учун қизиқарли?

Қандай ташкилотлар ЯММТга ходимларнинг қариндошлари тўғрисидаги маълумотларни киритиши шарт? Ушбу саволга жавоб ҳозирча битта ҳам норматив ҳужжатда мавжуд эмас. Бунда ЯММТ тизимида тегишли маълумотлар шакллари назарда тутилган.

*Buxgalter.uz* ушбу масала чуқур қайта ишлашни ва НХҲга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилишини талаб этади, деб ҳисоблайди.

«ЯММТ» ИДАКнинг тахририят сўровига биноан маълум қилишича, уларда жисмоний шахснинг қариндошлари тўғрисидаги ахборотни кўрсатиш учун мўлжалланган шаклларни тўлдирish барча учун мажбурий. Идора қўйидагиларга ҳавола қилади:

Президентнинг «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексни жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (31.10.2019 йилдаги ПҚ-4502-сон);

«Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексига меҳнат шартномаларини рўйхатдан ўтказиш, электрон меҳнат дафтарчаларини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида низомнинг (5.12.2019 йилдаги 971-сон ВМҚга 1-илова) 3-банди. Унда меҳнат муносабатларини рўйхатдан ўтказишда «ЯММТ» ИДАКдан фойдаланиш ташкилий-ҳуқуқий шакли ва идоравий бўйсунушидан қатъи назар, барча иш берувчилар учун мажбурийлиги айтилган.

«ЯММТ» ИДАК директори в.б. Ҳусан Ёрқуловнинг тушунтиришича, бундай ахборот ходимнинг фойдасига киритилади. Унинг мавжудлиги, башарти у бунга хоҳласа, жисмоний шахснинг давлат органларида ишга жойлашишни фарзан соддалаштириши керак. Агар давлат органларида ишлашни режалаштирмаётган бўлсангиз, қариндошлар нима учун кўрсатилади – деган савол очиқ қолмоқда.

Оғзаки суҳбатда ЯММТ ИДАК ходимлари жавобни тўлдирди: ходим ахборотни жисмоний шахснинг ЭРИ ёрдамида мустақил равишда ёки OneID тизимида рўйхатдан ўтиш ёрдамида – *my.mehnat.uz* сайтидаги шахсий кабинет орқали киритиши мумкин.

**Альберт САФИН, юрист, «Норма» компанияси эксперти:**

– 971-сон Низомда ким, қандай ахборотни ва қандай киритиши кераклиги айтилган. Бошқалар қаторида жисмоний шахснинг қариндошлари тўғрисидаги ахборот тўғрисида бир сўз ҳам айтилмаган. Қолаверса, ЯММТнинг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ масалаларни регламентловчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда каби. Ким, қандай ва қандай ҳолларда ушбу ахборотни киритишини, уни қандай верификация қилишларини аниқ ёзган ҳолда қонунчиликдаги ушбу камчиликини бартараф этиш зарур.

МКнинг 80-моддасида иш берувчи меҳнат шартномасини расмийлаштириш вақтида та-

лаб қилишга ҳақли бўлган ҳужжатлар рўйхати келтирилган. Уларнинг орасида кадрлар бўлими ходими улар асосида ЯММТ тизимида қариндошлар тўғрисида ҳаққоний маълумотларни кирита олиши учун болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар ҳам, никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома ҳам, бошқа ҳужжатлар ҳам мавжуд эмас. Меҳнат кодексининг янги тахрири лойиҳасида ҳужжатларнинг ушбу рўйхатини кенгайтириш назарда тутилмаган. Бинобарин, иш берувчида қариндошликни тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилишга қонуний асослар мавжуд эмас. Акс ҳолда ходимнинг ҳаракатлари устидан шикоят бериши ёки ўзининг қариндошлари тўғрисида ахборотни тақдим этишни рад этиши мумкин. Бироқ буларнинг ҳаммаси фақат давлат улушига эга бўлмаган корхоналарга тааллуқли.

Амалиётда давлат хизматида қабул қилишда муайян чекловлар мавжуд, у ерда қариндошлар тўғрисидаги ахборот зарур. Бироқ аксарият ташкилотларда у талаб этилмаган. Агар ташкилотда тегишли чекловлар бўлмаса, унда нима учун кадрлар бўлими ходимларига қўшимча иш юклаш керак? Ортиқча, ҳеч кимга керак бўлмайдиган ахборот ҳажмини нимага серверларда сақлаш зарур?

ЯММТ тизимидаги ушбу бўлим амалда қанчалик ўзини оқлаши ҳақида ўйлаш керак. Агар уни қолдириш тўғрисида қарор қабул қилинса, яна тақдорлайман, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тегишли бўлиmlарни тўлдирish қоидаларини аниқ ёзиш керак. ЯММТ тизимида улар тўғрисидаги ахборотни киритиш аҳамиятга эга бўлган шахслар рўйхатини ҳам белгилаш мумкин.

Низомнинг 54-бандига ўхшаш норма тўлиқ жоиз бўлади, унга кўра жисмоний шахс ўз ташаббуси билан ўзининг ўтган даврлардаги ишга жойлашиш тўғрисидаги маълумотларни мустақил киритиши мумкин. Агар жисмоний шахс ЯММТда унинг қариндошлари тўғрисидаги ахборот бўлиши керак деб ҳисобласа – уни ўзи мустақил киритсин. Бунда киритилган ахборотнинг ҳаққонийлиги ким ва қай тарзда жавобгар бўлишини ўйлаб кўриш керак. Ўтган даврлардаги ишга жойлашиш тўғрисидаги маълумотлар билан бўлган ҳолатда, уларни Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси органлари верификация қилади».

**Олег Гаевой.**

## КАДРЛАР БЎЛИМИ

## Ходимни ишдан бўшатиш ҳақида қандай тўғри огоҳлантириш мумкин

Меҳнат тўғрисидаги қонунчилик ходимни ишдан бўшатиш ҳақида олдиндан огоҳлантиришни талаб этади. Бунга оғзаки равишда бажарса бўладими? Агар ходим огоҳлантиришни олишни рад этса ёки ишга чиқмаётган бўлса, қандай йўл тутиш лозим? Электрон алоқа воситалари орқали хабарнома юбориш мумкинми?

*Buxgalter.uz* илтимосига биноан саволларга «Норма» компаниясининг меҳнат ҳуқуқи бўйича эксперти Ленера Хикматова жавоб берди.



## Оғзаки равишда огоҳлантириш мумкинми?

Иш берувчининг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида олдиндан ходимни огоҳлантириш мажбурияти МКнинг 87 ва 102-моддаларида назарда тутилган. Ишдан бўшатиш асосларига боғлиқ ҳолда огоҳлантириш муддати ишдан бўшатиш кунидан 3 кундан 2 ойгача олдинни ташкил этади. Аксарият ҳолларда ёзма равишда огоҳлантириш зарур. Истисно – ходим томонидан айбли ҳаракатлар содир этилганлиги муносабати билан ишдан бўшатиш тўғрисида хабарнома (МК 100-м. 2-қ. 3, 4-б.). Бироқ барибир бу ерда ҳам аҳтимолий меҳнат низоларининг олдини олиш учун ёзма шаклга эътиборли бўлишни тавсия қиламиз.

Бунда МКнинг 102-моддасида иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида ходимни шунчаки ёзма равишда эмас, балки «имзо чектириб» огоҳлантириши шартлиги айтилган. Қоидага кўра, ходим иш берувчининг ёзма огоҳлантиришининг нусхасида имзо чекади.

Ишдан бўшашни истаган ходим ҳам бу ҳақида иш берувчини огоҳлантириши шарт.

## Ходим огоҳлантиришни олишни рад этган ёки ишга чиқмаган тақдирда қандай йўл тутилади?

Бунга қандай 3 киши ҳозирлигида далолатнома билан қайд этинг. Ҳужжатга қўшимча тарзда аудио ёки видео-қайд қилишдан ҳам фойдаланиш мумкин. Агар ходим ишга чиқмаётган бўлса, огоҳлантиришни унга яшаш жойи бўйича бериб юбориш ёки хабарнома билан почта орқали юнатиш мумкин.

ОС Пленумининг «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солишчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида»ги қарори (17.04.1998 йилдаги 12-сон) 17-банди 4-хатбошида кўйидагилар кўрсатилган: огоҳлантиришда ходимнинг имзоси бўлмаган тақдирда ҳам иш берувчи ходимнинг белгиланган муддатда огоҳлантириш билан таништирилгани, лекин ходим имзо қўйишдан бош тортгани ҳақида ишонарли далиллар келтирса, суд ходимни ўз вақтида меҳнат шартномасининг бекор қилиниши бўйича огоҳлантирилган деб топиши мумкин.



## Ходимни ишдан бўшатиш ҳақида қандай тўғри оғоҳлантириш мумкин

**7-бетда** Ходимни меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида фақат меҳнат муносабатларини бекор қилиш ҳуқуқига эга мансабдор шахсина оғоҳлантириши мумкин. Яъни айнан у оғоҳлантиришни имзолаши керак. Бошқа масъул ходим, масалан, кадрлар бўлими бошлиғи уни топшириши мумкин.

### Ходимни электрон алоқа воситалари орқали хабардор қилиш мумкинми?

Электрон ҳужжат айланишидан шу жумладан расмий ва норасмий ёзишмаларни амалга ошириш ҳамда бошқа ахборотни узатишда фойдаланиш мумкин. Электрон ҳужжат куйидаги мажбурий реқвизитлар мавжуд бўлган тақдирда қоғоз ҳужжатга тенглаштирилади ва у билан бир хил юридик кучга эга бўлади («Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Қонуннинг 4, 6, 7-м.):

- электрон рақамли имзо (ЭРИ);
- юридик шахснинг номи ёки жўнатувчи-жисмоний шахснинг Ф.И.О.;
- электрон ҳужжатни жўнатувчининг почта ва электрон манзили;
- ҳужжат яратилган сана.

Тегшишча, ходимни меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақида электрон почта, Телеграм мессенжери ва ҳ.к. орқали ҳам хабардор қилса бўлади, деб ҳулоса қилиш мумкин. Бироқ амалиётда ҳозирча ҳаммаси бунчалик осон эмас... Электрон ҳужжат олинганлиги далилини қандай исботлаш мумкин, бунинг устига ҳужжат билан танишганлигидан далолат берувчи ходимнинг имзоси қандай олинди? Қоидага кўра, ходим, агар унда ЭРИ бўлмаса, ҳужжатни чоп этиши, уни имзолаши ва шу шаклда электрон восита орқали иш берувчига жўнатиши керак. Ёки – алоҳида ариза – танишганлиги тўғрисида хабарнома ёзиши – ва яна уни имзолаши керак. Бироқ бу ерда фақат ходимнинг виждонлигига умид қилиш мумкин, ахир уни ушбу амалларни бажаришга мажбурлаб бўлмайди. Танишганлиги тўғрисидаги тасдиқномани олмасдан фақат ҳужжатни жўнатиш далилини ўзини хабардор қилиш деб ҳисоблаб бўлмайди. Бунинг устига, электрон ҳужжат техник носозликлар туфайли манзилига етиб бормаслиги мумкин.

Шу боис, фикримизча, меҳнат муносабатларини электрон тарзда расмийлаштиришнинг аниқ тарти-

бини қонун билан тартибга солмагунларича, хабарномани аъъанавий почта орқали жўнатиш уни қўлга топширишга ягона тўлақонли муқобил бўлиб қолмоқда. Ходимга «хабарнома билан» буюртма хат жўнатилади, у унга имзо чекади. Шундан кейин ушбу «корешок» ходимнинг имзоси билан иш берувчига берилади ва ходимнинг бўлғуси ишдан бўшатилиши тўғрисида оғоҳлантирилганлигининг тасдиғи бўлиб хизмат қилади.

### «Муддатли» шартда ишловчи ходимни ишдан бўшатиш

– Қонун фақат иш берувчининг ташаббусига биноан меҳнат шартномаси бекор қилинганда, ходимни бўлғуси ишдан бўшатиш ҳақида олдиндан оғоҳлантириш мажбуриятини оқлайди (МК 102-м.). Меҳнат шартномаси муддатининг тугаши эса – меҳнатга оид муносабатларни бекор қилиш учун мустақил асос.

Иш берувчи меҳнат шартномасини МКнинг 105-моддасига биноан **меҳнат шартномаси муддати тугаган кундан эътиборан 1 ҳафта ичида** бекор қилишга ҳақли (МК 105-м. 2-қ.). Ушбу муддатда фақатгина меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида буйруқ чиқариш ва у билан ходимни таништириш зарур.

Мисол учун, меҳнат шартномасининг муддати – «10 сентябрга қадар». Тарафлар меҳнатга оид муносабатларни 10 дан 17 сентябрга қадар (17 сентябрь ҳам қиради) бекор қилишга ҳақлидирлар. Ёки, фараз қилайлик, меҳнат шартномаси 2019 йил 22 октябрда – 1 йилга тузилган. Бинобарин, унинг тугаш санаси – 2020 йил 22 октябрь. Меҳнатга оид муносабатларни 2020 йил 29 октябрга қадар (29 октябрь ҳам қиради) бекор қилиш мумкин.

Ушбу қоида ходим муайян ишни бажариш вақтида қабул қилинганда ҳам амал қилади. Мазкур ҳолда бир ҳафталик муддатнинг ўтиши тарафлар томонидан иш натижаларини топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзоланган санадан эътиборан бошланади.

Фараз қилайлик, 2020 йил 8 сентябрда ходимни веб-сайт ишлаб чиқиши учун дастурлаш бўлимига қабул қилишди. Иш 2020 йил 20 октябрда тугалланди, тарафлар бажарилган ишлар далолатномасини 21 октябрда имзолашди. Меҳнат шартномасини 28 октябрдан кечиктирмай бекор қилиш зарур.



**Агар муддат тугагандан кейин ҳам меҳнатга оид муносабатлар давом этаверса ва тарафлардан бирортаси бир ҳафта давомида унинг бекор қилинишини талаб қилмаган бўлса, саккизинчи кун меҳнат шартномаси номуайян муддатга узайтирилган деб ҳисобланади. Ходимни фақат бошқа асосларга биноан ишдан бўшатиш мумкин бўлади.**

Муддатли меҳнат шартномасини ҳатто ходимнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ёки у таътилда бўлганда ҳам бекор қилиш мумкин. Бундай даврларда ишдан бўшатишга тақиқ яна МКнинг 100-моддасига биноан иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга нисбатан амал қилади, қорхонани тўлиқ тугатиш ҳоллари бундан мустасно (МК 100-м. 3-қ.).

Лекин бундай ҳолда ходимни ишдан бўшатиш қандай расмийлаштирилади? Ахир меҳнат шартномаси бекор қилинган кун иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини ва меҳнат шартномасининг нусхасини бериши шарт (МК 108-м.).

Агар ходим муддатли меҳнат шартномасини бекор қилиш кунда ишда бўлмаса, буйруқни почта орқали буюртма хат билан «хабарнома билан» ва кадрлар бўлимига меҳнат дафтарчасини олиш учун (агар у қоғоз шаклда мавжуд бўлса) ва бухгалтерияга – ҳисоб-китоб учун

келишни сўраб почта билдиришномасини жўнатиш. Меҳнат дафтарчасини етказиб бериш билан жўнатишга фақат ходимнинг розилиги (ёзма равишда бўлган маъқул) билан йўл қўйилади. Бундан ташқари ходимга телефон орқали у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлигини хабар қилишнингизни маслаҳат берамиз.

### «Касаллик варақаси» учун тўлиқ ҳақ тўлашга тўғри келади

Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомга (АВ рақами 1136, 8.05.2002 й.) асосан ходимга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси, агар уни олиш ҳуқуқи иш берувчи билан меҳнат муносабатларида бўлган даврда, синов даври ҳамда ишдан бўшатиш кунни ҳам қўшиб, пайдо бўлса берилади.

Шу боис агар ишдан бўшатилаётган «муддатли» «касаллик таътилида» бўлса ёки ҳатто ишдан бўшатиш кун касаллик варақасини очтирган бўлса, иш берувчи билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлигига қарамай, у касал бўлган барча вақт учун нафақа олиш ҳуқуқига эга.

Мисол учун, меҳнат шартномасининг тугаш муддати – 20 октябрь. 19 октябрда ходим бетоб бўлиб қолди ва 5 кунга – 23 октябрга қадар (23 октябрь ҳам қиради) касаллик варақаси очтирди. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси меҳнат шартномаси 20 октябрда бекор қилинганга қарамай, касалликнинг бутун даври учун, 19 дан 23 октябрга қадар тўланиши зарур.

Иккинчидий-ҳуқуқий газета

**НОРМА МАСЛАХАТЧИ**

ХУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «НОРМА» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта соҳанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир  
Фарҳод Собирович  
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –  
бош муҳаррир  
ўринбосари,  
масъул котиб  
Нодир Носирович  
АЛИМОВ

Саҳифаловчи  
Наталья  
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,  
Таллимаржон кўч., 1/1,  
Таҳририят тел. (71) 200-00-90  
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30  
E-mail: [shx@norma.uz](mailto:shx@norma.uz)  
[gazeta@norma.uz](mailto:gazeta@norma.uz)  
web: [norma.uz](http://norma.uz)

Обуна, газеталар, китоблар,  
газеталарнинг электрон версияларини  
етказиб бериш ва харид қилиш  
масалалари бўйича (71) 200-00-30;  
«НОРМА» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;  
Рекламани жойлаштириш бўйича  
(71) 231-07-91 телефон рақамларига  
муурожаат қилиш мумкин.

Газета ношир – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.  
Нашр кўрсаткичи – 186. Қоғоз бичими – А3. Ҳадаи – 2 бошма табоқ. Базоси кичиклиги нарҳда.  
Буюртма 1-1122. Адади 540. Газета 2020 йил 9 ноябрь соат 17.00 да топширилди.